



« 20 » ИЮНЬ 2019 у.

№ 517

Toshkent sh.

**Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси  
таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон қарорига мувофиқ ҳамда республика олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш тизимини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11 ва 12-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Олий таълим муассасаларига умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига мувофиқ бўлган маълумотга эга хорижий фуқаролар қабул қилиниши мумкин.

12. Хорижий фуқаролар олий таълим муассасалари бакалавриятига олий таълим муассасаси томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра қабул қилинади.

Белгиланган тартибда тақдим этилган суҳбат натижалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хорижий фуқароларни олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш юзасидан қарор қабул қилиши учун асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи асосида олий таълим муассасалари раҳбарлари ўқишга қабул қилиш тўғрисида тегишли буйруқ чиқарадилар”.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов